**«O’ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамиятининг**
**2024 йил учун**

# Б И З Н Е С - Р Е Ж А С И

| | |
|---|---|
| Давлат номидан акциядор (иштирокчи, таъсисчи) функциясини бажарувчи ташкилот номи | “O’ZBEKGIDROENERGO” АЖ |
| Ижроия органи раҳбари | Наджимов Марат Фахриевич |
| Бош бухгалтер | Назаров Абдурашид Дилмуроджонович |
| Почта манзили, е-хат манзили *(ёки электрон почта манзили)* | uzsuvloyiha@mail.ru uzsuvloyiha@exat.uz |
| СТИР | 200 898 475 |

# М У Н Д А Р И Ж А


**I. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ тўғрисида умумий маълумот**

1.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти).

1.2. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари.

1.3. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати.

1.4. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ ташкилий тузилмаси, бошқарув ва ижроия органи ташкилий тузилмаси, жамият устав фондининг тузилиши, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот.

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя.

1.6. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда жорий этилган сифатни бошқариш тизими.

**II. «O'ZSUVLOYIHA» АЖни ислоҳ қилиш**

2.1. Жамиятнинг истиқболли ривожланиш стратегияси.

2.2. Жамиятда ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси.

**III.Кўрсаткичлар**

3.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ нинг 2024 йил учун ишлаб чиқариш қувватидандан фойдаланиш режаси.

3.2. O'ZSUVLOYIHA» АЖ нинг 2024 йил учун ишлаб чиқариш режаси.

3.3. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ нинг 2024 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш режаси.

**IV.Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)**

4.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖнинг 2024 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети) режаси.

4.2. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

4.3. Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.
«O'ZSUVLOYIHA» АЖ томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот.

4.4. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда ишлаб чиқариш таннархининг таркиби (шаклланиши).

4.5. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда пул оқимлари прогнози.

## V.Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки

5.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти (GAP таҳлили).

5.2.«O'ZSUVLOYIHA» АЖда кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлар.

5.3. Давлат бюджетига тўловлар.

## VI.Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

6.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичлари (СМК).

6.2. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсаткичлари (СМК).

6.3. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда самарадорликнинг асосий муҳим кўрсаткичларининг (СМК) солиштирма оғирлиги.

6.4. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда самарадорликнинг қўшимча муҳим кўрсаткичларининг (СМК) солиштирма оғирлиги.

## VII. Иш хақи тўлаш тизими

7.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖда иш ҳақи тўлашни амалга ошириш тўғрисида маълумот.

# I. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ тўғрисида умумий маълумот

## 1.1. «O'ZSUVLOYIHA» АЖнинг реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

### «O'ZSUVLOYIHA» АЖ тўғрисида маълумот

| | |
|---|---|
| Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи: | **«O'ZSUVLOYIHA» Акциядорлик жамияти «O'ZSUVLOYIHA» АЖ** |
| Юридик манзили: | **Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй.** |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли: | **Акциядорлик жамияти** |
| Давлат рўйҳатидан ўтказилган сана ва тартиб рақами: | **«O'ZSUVLOYIHA» АЖ** Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йил 12 июлдаги 282 пп-р-сонли фармойишига асосан «УЗДАВСУВЛОЙИҲА» институтини давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ташкил этилган. Жамият Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2004 йил 7 октябрда очиқ акциядорлик жамияти шаклида R-09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Жамият Тошкент шаҳри Шайхонтохур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2014 йилнинг 25 июлида акциядорлик жамияти шаклида R-09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган. |
| Фаолият тури: | Республика Сув хўжалиги объектларини қуриш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, агросаноатни ривожлантиришда сув таъминоти билан боғлиқ чора-тадбирлар масалалари ва сув ресурсларини сақлаш ҳамда улардан комплекс фойдаланиш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;<br>Сув хўжалиги ва гидротехника объектларида қайта таъмирлаш, қайта қуриш ва янги қурилишга лойиҳа ва лойиҳа-смета ҳужжатларини (ИЛ, ТИА, ТИҲК, ҳамма босқичлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари, намунавий лойиҳалар, меъёрий ҳужжатлар ва бошка лойиҳа маҳсулотлари) ишлаб чиқиш;<br>Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги дарё бўйларидаги ерларни ва сув ресурсларини сақлаш ва улардан комплекс фойдаланиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;<br>Суғориш тармоқлари, каналлар, зовурлар, тажриба ишлаб-чикариш тизимлари, қишлок хўжалиги экинларини суғориш технологиясини ишлаб чиқиш;<br>Гидроузел, сув иншоотлари, сув омборлари, насос станциялари, кичик гидроэлектростанциялар, уй-жой хўжалиги объектлари, магистрал муҳандислик тармоқлари, кўприклар, алоқа йўллари, махсус объектлар ва бошқа иншоотларни қуриш бўйича лойиҳа-қидирув ишларини бажариш. |
| Устав капитали: | **1 829 668,00 минг сўм** |

| | |
|---|---|
| Чиқарилган акциялар сони: | **1 101 546 дона** |
| СТИР: | **200 898 475** |
| Статистик таснифлари: (КТУТ) | **01043661** |
| (ИФУТ) | **71110** |
| Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки: | **2021 0000 4001 5387 400, МФО 00446, АТ «Туронбанк» Тошкент шаҳар бошқармаси** |

**«O'ZSUVLOYIHA» АЖ паспорти**

| | |
|---|---|
| Умумий ер майдони: | **4773 кв.м.** |
| Бино-иншоотлар майдони: | **8411 кв.м.** |
| Ишлаб чиқариш майдони: | **6560 кв.м.** |
| Ишчилар сони: | **147 киши** |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури: | **Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатлари** |

## 1.2. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

Лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш учун 1938-йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижонда лойиҳа идоралари тузилди. Ушбу лойиҳа идоралари 1950 йилда «Узводпроиз» трестига, 1951-йил январ ойидан бошлаб «Средазгипроводхлопок» институтига бўйсунувчи филиал сифатида бирлаштирилди.

1954 йилда "Средазгипроводхлопок" Ўзбекистон филиали "Узгипроводхоз" лойиҳа-қидирув институти сифатида қайта ташкил этилди.

1974 йилдан бошлаб «Узгипроводхоз» Ўзбекистон Давлат мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот институти бўлди.

Кичик ҳажмли ишларни амалга оширувчи лойиҳа-қидирув идораси бир неча бор қайта ташкил этилишлар натижасида, мелиорация ва сув хўжалиги ҳамда гидротехника объектларини лойиҳалаштирувчи, республиканинг сув хўжалиги лойиҳаларида лойиҳа-смета ҳужжатларига бўлган эҳтиёжларини таъминловчи кучли институтга айланди.

1993 йилда «Узгипроводхоз» «Ўздавсувлойиха» институти деб қайта номланди ва Ўзбекистон ҳудудларида (Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўллари ва Қорақалпоғистон Республикасининг янги зонаси бундан мустасно) сув хўжалиги ва мелиорация қурилишларида бош лойиҳалаш институти сифатида фаолият юрита бошлади.

«O'ZSUVLOYIHA» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2004 йил 12 июлдаги 282 пп-р-сонли фармойишига асосан «Уздавсувлойиҳа» лойиҳа-қидирув, илмий-тадқиқот институтини давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ташкил этилган. Жамият Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2004 йил 7 октябрда очиқ акциядорлик жамияти шаклида Я-09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Жамият Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2014

йилнинг 25 июлида акциядорлик жамияти шаклида Я-09-1935-сонли реестр тартиб рақами билан қайта давлат рўйхатидан ўтказилган (давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида 2004 йил 6 август 09-1935- сонли гувоҳнома).

«O’ZSUVLOYIHA» ОАЖ барча шартномалар ва мажбуриятлари бўйича «Уздавсувлойиҳа» институтнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370 «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг янги таҳририга мувофиқ жамиятнинг номи «O'ZSUVLOYIHA» ОАЖдан «O'ZSUVLOYIHA» АЖга ўзгартирилди.

Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил 11 ноябрдаги йиғилишида «O'ZSUVLOYIHA» АЖ қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ қўшимча акцияларини чиқариш тўғрисидаги Қарор Капитал бозорни ривожлантириш Агентлигининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2020 йил 18 декабрда №Q 0612-8 – рақами билан рўйхатга олинган. Ушбу қўшимча акциялар чиқарилуви жамият акциядорлари ўртасида акцияларнинг мутаносиб тақсимланиши йўли билан 2020 йил 25 декабр санасига тўлиқ жойлаштирилган.

2022 йил 30 июнда «O'ZSUVLOYIHA» АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2022 йил 27 июлда №-09-1935 рақам билан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454 –сонли Фармони талабларига мувофиқ 2016 йил «O'ZSUVLOYIHA» АЖ УФнинг 15% акциялари «MACAZ CONSTRUCTION» хорижий инвесторга сотилди. Жамият УФ даги хорижий инвестор улуши 15% ни ташкил этади.

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 мартдаги ПҚ-104 сонли «Гидроэнергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «O‘zbekgidroenergo» АЖнинг ташкилий тузилмаси таркибига кирди.

2020 йилда «O'ZSUVLOYIHA» АЖ институти ишлаб чиқариш фаолиятининг 82-йиллиги нишонланди. Таъкидлаш жоизки, Республикамизнинг барча вилоятларидаги ирригация ва мелиорация тизимлари, гидротехника иншоотлари қуриш соҳасидаги сув хўжалиги объектларини лойиҳалаштиришда шунингдек, эски суғориладиган ерларнинг сув билан таъминланишини ошириш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда жамиятнинг ҳиссаси диққатга сазовордир. Бундай тадбирларга қуйидагилар киради: дарёлар оқимни тартибга солиш учун гидротехника иншоотлари ва сув омборлар қуриш, суғориш каналларини бетон облицовка билан қоплаш, насос станциялари, суғориш тизимларини шлюзлаш, ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғини ва тик дренаж қудуқларини қуриш.

Институт собиқ Совет Иттифоқида биринчи бўлиб эски суғориладиган ерларни қайта қуришни лойиҳалашни бошлади. Марказий Фарғона бунга мисол бўла олади. Марказий Фарғона зонаси учта вилоят ерларининг қисмларини ўз ичига олади:

Андижон вилоятида – 43054 гектар;

Наманган вилоятида – 41315 гектар;

Фарғон вилоятида – 93631 гектар.

Ерларни ўзлаштириш ҳар томонлама комплекс тарзда амалга оширилди: каналлар, суғориш тармоғи, машина ва механизмлардан фойдаланиш учун майдонларни кесиш, дренаж ва йўл тармоғини қуриш.

Институт томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича, 1 миллион гектарга яқин янги ер майдони, жумладан, 150 минг гектаргача бўлган бир неча йирик массивлар ўзлаштирилди.

Институт топографик тадқиқотлар, муҳандислик геологияси ва гидрогеологияси фондларига эга ва мелиоратив ҳолат бўйича мониторингини амалга оширади. Йирик гидротехник иншоотлар учун хавфсизлик декларацияларини ишлаб чиқиш, архив захираларни сақлаш учун зарур бўлган материалларни йиғиш ва қайта ишлаш давом этмоқда. Институтнинг ишлаб чиққан лойиҳалари пахта етиштириш, ғалла, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни сезиларли даражада оширди. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўплаб масалалари ҳал этилди. Янги ерларни суғориш, асосан, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда арзон нархларда қишлоқ инфратузилмасини яратиш учун аҳоли бандлигини ошириш имконини берди. Институт лойиҳаларига кўра, янги жорий этилган суғориладиган ерлар ҳудудида 3 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади.

Эскидан суғориладиган ерларни суғориш ва мелиоратив жиҳатдан яхшилаш лойиҳалари қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширди. Ўсимликлар учун яратилган қулай сув-мелиоратив шароитлар фермер ва бошқа хўжаликларга уруғлик, ўғит ва бошқа агротехникадан унумли фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омилларини ошириш имконини берди.

### 1.3. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ да мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

**Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси**

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Қуввати 2024 й. (режа) | Қувватдан фойдаланиш | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2022 й. (режа) | 2022 й. (факт) | % | 2023й. (режа) | 2023й. (кутилиш) | % |
| 1. | Сув хўжалиги объектлари ва гидротехника иншоотлари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш. | млн. сўм | 100000,0 | 14 700,0 | 10823,92 | 73,6 | 15100,0 | 24 500,0 | 162,25 |
| **Жами:** | | млн. сўм | 100000,0 | 14 700,0 | 10823,92 | 73,6 | 15100,0 | 24 500,0 | 162,25 |

### 1.4. «O'ZSUVLOYIHA» АЖ ташкилий тузилмаси, бошқарув ва ижроия органи ташкилий тузилмаси, жамият устав фондининг тузилиши, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

«O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бош директор жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Ҳозирги кунда «O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамияти ходимлари сони 147 кишидан иборат, шу жумладан:

-маъмурий-бошқарув ходимлари 12 киши,
-асосий ишлаб чиқариш ходимлари 101 киши,
-хизмат кўрсатиш ходимлари 34 киши.

«O'ZSUVLOYIHA» акциядорлик жамияти ташкилий тузилмасига мувофиқ, бош директор ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари иш тавсифларига кўра ўз функционал вазифаларини бажарадилар. Бош директор ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида ишни ташкил қилади ва ишлаб чиқариш бўлинмалари, бўлинмаларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиради, барча масалаларни ҳал қилади.

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ таркибида қуйидагилар мавжуд:

**Сирдарё ҳавзаси бўлимлари:**

-Тошкент вилояти бўлими;
-Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўлими;

**Амударё ҳавзаси бўлимлари:**

- Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти бўлими;
- Хоразм вилояти бўлими;
- Қуйи Амударё бўлими;

**Ихтисослашган бўлимлар:**

- Металл конструкциялар бўлими;
- Сирдарё вилояти сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш гуруҳи;
- Машинали суғориш бўлими;
- Ишлаб чиқариш ишларини ташкил этиш ва лойиҳалаш бўлими;
- Сел сув омборларини лойиҳалаш бўлими;
- Гидротехника иншоотлари, кўприклар ва сув омборлари бўлими;
- Мелиоратив қурилиш иқтисодиёти бўлими;
- Электротехника бўлими;
- Ҳисоблаш ишлари ва сметалар бўлими;
- Сув таъминоти бўлими;
- Қашқадарё вилояти филиали;
- Илмий тадқиқотлар бўлими;
- Компьютер маркази ва лойиҳа-смета хужжатларини расмийлаштириш бўлими;

**Тадқиқот бўлимлари:**

- Геология ва гидрогеология бўлими;
- Топогеодезия ишлари бўлими;
- Гидрология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлими;

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан Геодезия ва картография фоалиятини юритиш учун берилган лицензияга эга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ қуйидаги йўналишларда фаолият юрита олади:

- Уй-жой-хўжалик қурилиши учун обектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;

- Қишлоқ хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;

- Сув хўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;

- Саноат қурилиши учун обектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш;

- Аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Аҳоли пунктлари ҳудудларини қуриш тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- Магистраль муҳандислик тармоқларини (магистраль газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларидан ташқари) лойиҳалаштириш;

- “Металл объектлар конструкциялари” бўлимини лойиҳалаштириш;

- “Темир-бетон объектлари конструкциялари” бўлимини лойиҳалаштириш;

- “Объектларнинг асослари ва пойдеворлари” бўлимини лойиҳалаштириш;

- Қурилиш объектларини мукаммал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- Бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш;

- Бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

- Махсус объектлар ва иншоотларни лойиҳалаштириш.

Ваколатли давлат органларидан олинган барча лицензиялар ва лицензия келишувлари сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларини бошқа объектлар билан бирга кенг кўламда лойиҳалаштириш имконини беради.

**«O'ZSUVLOYIHA» АЖ устав фондининг тузилиши (таркиби)**

| № | Акциядорлар | Устав фондидаги улуши (% да) | Акциялар сони (дона) |
|---|---|---|---|
| 1. | «O’ZBEKGIDROENERGO» АЖ | 50,8 | 559 622 |
| 2. | «TO’PALANG HPD HOLDING» МЧЖ | 28,59 | 314 940 |
| 3. | «MACAZ CONSTRUCTION» МЧЖ | 15 | 165 232 |
| 4. | Бошқа акциядорлар жисмоний шахслар | 5,61 | 61 752 |
| | **Жами:** | **100** | **1 101 546** |

**«O'ZSUVLOYIHA» АЖ тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:**

*минг.сўм*

| № | Корхона номи | Улуш микдори *(%)* | Устав капитали *(баланс қиймати)* | Фаолият йўналиши | Олинган даромад (дивиденд) | | Киритилган инвестициялар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | **2022й.** | **2023й.** | **2022й.** | **2023й.** |
| **1. Тизимдаги корхоналар** | | | | | | | | |
| 1. | **«Бухорогидромелиолойиха» МЧЖ** | 100% | 732 500,0 | Лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиш | - | - | - | - |
| **2. Носоҳавий активлар** | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | |
| **3. Бўш турган объектлар ва қувватлар** | | | | | | | | |
| 3. | | | | | | | | |
| **жами** | | 100% | 732 500,0 | Лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиш | - | - | - | - |

## 1.5.Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

| | |
|---|---|
| Ходимлар сони | **147 та** |
| Олий маълумотли ходимлар сони | 96 та |
| Ўрта-махсус маълумотли ходимлар сони | 24 та |
| Техник ходимлар сони | 6 та |
| Ўрта маълумотли ходимлар сони | 21 та |
| Ишлаб чиқариш бўлимлари ходимлари сони | 101 та |
| Бошқарув аппарати ходимлари сони | 12 та |

| | |
|---|---|
| Ходимларни ишга қабул қилиш тартиби | Ўзбекистон республикаси Меҳнат Кодекси асосида меҳнат шартномаси |
| Малакавий талаблар | Олий маълумот |
| Ходимларни малакасини ошириш чора-тадбирлар, унга сарфланган маблағлар | 50,814 млн.сум |
| Ишчи-хизматчиларнинг ўртача сони | 25 та |
| **Кадрлар қўнимсизлиги** | |
| 2018йил | |
| Ходимларнинг умумий сони: | 179 та |
| Ишдан бўшаганлар сони: | 22 та |
| Ишга қабул қилинганлар сони: | 24 та |
| 2019йил | |
| Ходимларнинг умумий сони: | 178 та |
| Ишдан бўшаганлар сони: | 25 та |
| Ишга қабул қилинганлар сони: | 24 та |
| 2020 йил | |
| Ходимларнинг умумий сони: | 148 та |
| Ишдан бўшаганлар сони: | 33 та |
| Ишга қабул қилинганлар сони: | 7 та |
| Ходимларни ижтимоий қўллаб-кувватлашга қаратилган ишлар, соғликни тиклаш, (ижтимоий пакет) ва бошқалар | |
| 2021 йил | |
| Ходимларнинг умумий сони: | 143 |
| Ишдан бўшаганлар сони: | 26 |
| Ишга қабул қилинганлар сони: | 16 |
| Ходимларни ижтимоий қўллаб-кувватлашга қаратилган ишлар, соғликни тиклаш, (ижтимоий пакет) ва бошқалар | |
| 2022 йил | |
| Ходимларнинг умумий сони: | 132 |
| Ишдан бўшаганлар сони: | 32 |
| Ишга қабул қилинганлар сони: | 14 |
| Ходимларни ижтимоий қўллаб-кувватлашга қаратилган ишлар, соғликни тиклаш, (ижтимоий пакет) ва бошқалар | |
| **Ишга қабул қилинган ёш мутахассислар сони** | |
| 2018 йил | 9 та |
| 2019 йил | 8 та |
| 2020 йил | 5 та |
| 2021 йил | 7 та |
| 2022 йил | 3 та |
| 2023 йил | 11 та |

**«O'ZSUVLOYIHA» АЖнинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот**

| № | Ф.И.Ш. | Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври | Бошқарув органида эгаллаб турган лавозими |
|---|---|---|---|
| **I. Кузатув кенгаши аъзолари** | | | |
| 1. | Ахмаджонов Вохиджон Мухаммаджонович | «O'zbekgidroenergo» АЖ Бошқарув раиси ўринбосари (10.11.2023йилдан) | Кузатув кенгаши раиси |
| | Олланазаров Бахром Отажонович | «O'zbekgidroenergo» АЖ Бош бухгалтер (10.11.2023йилдан) | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | Ахмедов Жамшид Рустамович | «O'zbekgidroenergo» АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи (10.11.2023йилдан) | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | Ишанов Жамол Хамидуллаевич | «O'zbekgidroenergo» АЖ Сув ресурсларини бошқариш ва диспетчерлик хизмати бош мутахассиси (10.11.2023йилдан) | Кузатув кенгаши аъзоси |
| | Равшанов Нурулло Пардакулович | ООО «TO’PALANG HPD HOLDING» Директор ўринбосари (2019 йилдан) | Кузатув кенгаши аъзоси |
| **II. Ижроия органи** | | | |
| 2. | Наджимов Марат Фахриевич | Жамият бош директори *(2022 йилдан)* | Жамият бош директори |

## 1.6.Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

Жамиятда 2017 йил 6 декабрдан Сифат бошкарув тизими, хамда халкаро стандарт талаблари жорий килинган.

Жамият халқаро **ISO 9001: 2015** сифат сертификати (рўйхатга олинган рақами №31101401 QM15) ва миллий **ISO 9001: 2015** сифат сертификатга (рўйхатга олинган рақами UZ.SMT.04.008.15836) эга.

## II. «O'ZSUVLOYIHA» АЖни ислоҳ қилиш

### 2.1.Жамиятнинг истиқболли ривожланиш стратегияси

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ стратегияси умумий тарзда жамиятнинг мавқеини мустаҳкамлаш, мижозларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режасидир. Жамиятнинг стратегияси қуйидагилардан иборат:

- жамият йўналиш ва асосий мақсадларни белгилаб олиш;
- жамиятнинг ташқи муҳитини таҳлил қилиш;
- жамиятнинг ички вазиятни таҳлил қилиш;
- жамиятнинг муқобил стратегиясини танлаш ва ишлаб чиқиш;
- диверсияланган жамият портфелини таҳлил қилиш;
- жамиятнинг ташкилий структурасини лойиҳалаш;
- интеграция даражасини ва бошқарув тизимини танлаш;
- «стратегия - структура - назорат» мажмуасини бошқариш;
- жамият фаолиятининг баъзи соҳалардаги сиёсатини ва унинг феъл-атвор меъёрларни белгилаш;
- стратегияни, структурани ва бошқарувни такомиллаштириш.

«O'ZSUVLOYIHA» АЖ стратегияси – жамиятнинг ташкилий вазифа ва мақсадларига эришишда фойдаланиладиган ташкилий ҳатти-ҳаракатлар ва бошқарувга ёндашувлари тарзидир. Жамиятнинг стратегик режалаштиришнинг роли ва вазифалари ахборотлар тўплаш ва уларни ишлаш, стратегияни ҳар йили кайта кўриб чиқиш тизимини яратиш ва келажакда уни бошқаришдан иборат бўлади.

Кузатув кенгаши муҳим стратегик йўналишларни кўриб чиқади ва юқори бошқарув тизими тавсия этган стратегик режаларни расмий жиҳатдан тасдиқлайди.

«O'ZSUVLOYIHA»АЖ лойиҳа ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий - хўжалик фаолиятидан максимал даражада фойда олишдир, шунингдек сифатли ва стандартлар талабларига жавоб берадиган лойиҳаларни ишлаб чиқаришдан иборатдир.

### 2.2. Жамиятда ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси

«O'ZSUVLOYIHA» АЖда ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари, амалга оширилаётган топо-геодезик қидирув ишларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга ошириш, замонавий, рақобатбардош лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда замонавий иннавацион технологияларни татбиқ этиш:

-ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, мавжуд компьютерлар ва уларнинг бутловчи қисмларини модернизация қилиш;

-техник эксплуатация қилиш талабларини эътиборга олган ҳолда, жамиятда мавжуд бўлган ускуналарни капитал таъмирлаш жараёнини қаттиқ мониторинг қилиш;

- юқори рейтингли ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги машина – механизм ва ускуналарни тезлаштирилган усулда амалиётга тадбиқ этиш шароитларини яратиш.
- жамиятнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш;
- ишлаб чиқилаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатини яхшилаш;

- босқичма - босқич мавжуд эскириб қолган машина – механизм ва ускуналарни янги машина – механизм ва ускуналарга алмаштириш;

- замонавий корпоратив бошқарув тизими талаблари ҳисобга олинган ҳолда юқори малакали ҳодимлар малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш.

**Юқорида режалаштирилган вазифаларни амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилади:**

- ходимларнинг малакаси ва тажрибасининг ошиши, лойиҳаларни ишлаб чиқаришда баҳолаш соҳасида инновацион лойиҳаларни жорий этилиши;

- лойиҳаларни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари ва унинг таннархи пасаяди;

- жамиятнинг рентабеллиги ошади, молиявий аҳволи соғломлашади;

- замонавий корпоратив бошқарув тизими талаблари ҳисобга олинган ҳолда юқори малакали ҳодимлар тайёрланади, ишлаб чиқариш инвестицион, моддий-техник молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади;

- тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ҳамда тезкорлиги таъминланади;

- бошқарув тизимини оптималлаштириш;

- ижро интизомини мустаҳкамлаш;

- замонавий ахборот технологияларини кенг тадбиқ қилиш орқали ҳужжат алмашинуви ва бошқа соҳаларда корхонада иш унумини ошириш;

- ходимларни жавобгарлиги ва ваколатларини аниқлаштиришни яхшилаш;

- мижозларни қондириш, кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш.

# III. Кўрсаткичлар

## 3.1.“O’ZSUVLOYIHA” АЖнинг 2024 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш РЕЖАСИ

| № | Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Қувватдан фойдаланиш | | | | Режа | | *Шундан* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2022 й. | % | 2023й. | % | 2024й. | % | *1-чорак* | *1-ярим йиллик* | *9-ойлик* | *йиллик* |
| 1. | Лойиҳа-смета ҳужжатлари | млн. сум | 14 700,0 | 100 | 15 100,0 | 100 | 100 000,0 | 100 | 10 000,0 | 25 000,0 | 55 000,0 | 100 000,0 |
| **жами** | | | | | | | | | | | | |

## 3.2.“O’ZSUVLOYIHA”АЖнинг 2024 йил учун ишлаб чиқариш РЕЖАСИ*

| № | Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | 2022й. *(факт)* | 2023й. 9-ойлик *(факт)* | 2023й. | | 2024й. *(режа)* | *Ўсиш, %* | *Жумладан* | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | *режа* | *кутилаётган* | | | *1-чорак* | *1-ярим йиллик* | *9-ойлик* | *йиллик* |
| **I. Корхона бўйича** | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Лойиҳа-смета ҳужжатлари | млн. сум | 10 823,9 | 13 901,2 | 15 100,0 | 24 500,0 | 100 000,0 | 408,16 | 10 000,0 | 25 000,0 | 55 000,0 | 100 000,0 |
| **жами** | | | | | | | | | | | | |

*) Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари режасини белгилашда ҳар бир маҳсулот (хизмат) кесимида режани белгилашда инобатга олинган омиллар тўғрисида батафсил маълумот ва ҳисоб-китоблар, шу жумладан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатларининг асослангани алоҳида ёритилиши керак. Бунда маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати камида 20-25 фоиз бўлиши лозим.

## 3.3.“O’ZSUVLOYIHA”АЖнинг 2024 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш РЕЖАСИ**

*млн.сўм*

| № | **Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи** | **2022й.** *(факт)* | **2023й. 9ойлик** *(факт)* | **2023й.** | | **2024й.** *(режа)* | ***Ўсиш, %*** | ***Жами тушум даги улуши*** | ***Шу жумладан*** | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | *режа* | *кутилаётган* | | | | ***1-чорак*** | ***1-ярим йиллик*** | ***9-ойлик*** | ***йиллик*** |
| | | | | | **I. Корхона бўйича** | | | | | | | |
| 1. | **Жами соф тушум** *(эгри солиқларсиз)* | 10 823,9 | 13 901,2 | 15 100,0 | 24 500,0 | 100 000,0 | 408,16 | 100 000,0 | 10 000,0 | 25 000,0 | 55 000,0 | 100 000,0 |
| | *шу жумладан, маҳсулот тури бўйича* | | | | | | | | | | | |
| 2. | А) Маҳсуот гуруҳи | | | | | | | | | | | |
| | Лойиҳа-смета ҳужжатлари | 10 823,9 | 13 901,2 | 15 100,0 | 24 500,0 | 100 000,0 | 408,16 | 100 000,0 | 10 000,0 | 25 000,0 | 55 000,0 | 100 000,0 |

**) Корхона маҳсулотларининг (хизматларининг) сотиш ва сотишдан тумум режасида, жами тушум миқдори, асосий тушум қайси маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келиши, ҳар бир маҳсулот кесимида тушум миқдори, уларнинг гуруҳланиши, ўтган йилларга нисбатан ўсиш/камайиш даражаси каби ҳисоб-китоблар ёритилиши керак. Бунда битта бирлик маҳсулотнинг сотиш нархи, нархларни белгилаша инобатга олинган омиллар (биржадаги ўртача нарх, прогноз) тушунтирилиши лозим.

